

**ТУРКИСТОН АССРДАН ҚОЧОҚЛАРНИ РЕЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНИШИ***Тұрахұжасаев Сайдмурод**Андижон давлат университети таянч докторант*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Биринчи жаҳон уруши(1914-1918) ва Россияда очарчилк рүй берган даврларда(XX асрнинг 20-ийлари) Туркистон АССР ҳудудига қочоқ тариқасида келган аҳоли вакилларининг ўз юртларига реэвакуация қилиниши ҳамда совет большевиклари топшириги асосида Туркистон ҳукумати томонидан реэвакуация жараёнида амалга оширилган ишлар, яъни қочоқларни реэвакуация қилиши марказларини ташкил этиши, қочоқларни ватанинга қайтаришида уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармон билан таъминлаш ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Шунингдек, мақолада ўз юртига реэвакуация қилинаётган қочоқларга Туркистондаги қийинчилк шароитида бўлган меҳмондуст аҳолиси томонидан кўрсатилган гамхўрликлар ва меҳрибонликлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар архив манбалари асосида таҳлил қилиниб баён этилган.

**Калит сўзлар:** қочоқлар, очларга ёрдам комиссияси, эвакуация марказий бошқармаси, муарожаат, реэвакуация, губерния.

**РЕЭВАКУАЦИЯ БЕЖЕНЦЕВ ИЗ ТУРКИСТАН АССР***Тураходжаев Saidmurad**Andijan State University foundation doctoral student*

**Аннотация:** Аннотация: В данной статье в годы Первой мировой войны (1914-1918 гг.) и голода в России (20-е годы XX века) представители населения, прибывшие на территорию Туркестанской АССР в качестве беженцев, были реэвакуированы в своих стран, и о действиях, проводимых правительством Туркестана в процессе реэвакуации на основании приказа советских большевиков, то есть сведения о создании центров реэвакуации беженцев, обеспечении продовольствием, одеждой и медикаментами беженцам, когда они возвращаются на родину. Также в статье на основе архивных источников анализируются отзывы о заботе и доброте, проявленной гостеприимными жителями Туркестана к беженцам, реэвакуируемым в свою страну в трудных условиях.

**Ключевые слова:** беженцы, комиссия помощи голодающим, центральное эвакуационное управление, обращение, реэвакуация, губерния.

**REEVACUATION OF REFUGEES FROM TURKEY CENTURY***Torakho'jaev Saidmurad**Andijan State University foundation doctoral student*

**Abstract:** In this article, during the First World War (1914-1918) and the famine in Russia (20s of the 20th century), the representatives of the population who came to the territory of the Turkestan ASSR as refugees were re-evacuated to their countries, and the work carried out by the government of Turkestan in the process of re-evacuation based on the order of the Soviet Bolsheviks, that is, information on the establishment of refugee re-evacuation centers, provision of food, clothing and medicine to refugees when they are returned to their homeland. Also, in the article, the comments on the care and kindness shown by the hospitable residents of Turkestan to the refugees who are being re-evacuated to their country in difficult conditions are analyzed based on archival sources.

**Key words:** refugees, aid commission for the hungry, central evacuation administration, appeal, re-evacuation, gubernia.

Ватанимиз тарихининг совет мустамлакачилиги даври билан боғлиқ саҳифаларига бугунги кун нуқтай назаридан холисона баҳо бериш долзарб аҳамиятга эга. Маълумки, совет ҳокимияти ва коммунистик партия ҳукмронлиги йилларида тарихчи олимлар Ватан тарихини ҳақоний ёритишга имкон топа олмаган. Миллий истиқлол йилларида Ватанимиз тарихини холисона, илмий асосда ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бундан руҳланган тарихчи олимлар совет ҳокимиятининг юртимида амалга оширган ҳар бир сиёсатини архив хужжатлари ва манбалар ёрдамида илмий асослаб, ҳақоний ёритиб, кўплаб тадқиқот ишларини юзага келитиришмоқда. Хусусан, совет ҳокимиятининг Туркистон АССРда амалга оширган қочоқлар ва болалар реэвакуация сиёсати масаласининг кўплаб жиҳатлари тадқиқотчилар томонидан янги илмий холосаларга асосланган ҳолда ўрганилди. Ушбу мақолада ҳам Туркистондаги қочоқларни ўз юртларига реэвакуация қилиш жараёни ҳақидаги фикрлар архив манбалар ва илмий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилиб ўрганилган.

Маълумки, Россия империяси таркибида бўлган Туркистон ҳудудига подшо ҳукумати топшириғига кўра, Биринчи жаҳон уруши даврида Польша, Болтиқбўйи ва бошқа ҳудудлардан

қочоқ тариқасида келган аҳоли вакиллари жойлаштирилган. Масалан, 1915 йил охирига қадар уруш ҳаракатлари рўй бераётган Польша ва Болтиқбўйидан 70 минг нафар қочоқ Туркистонга паноҳ излаб келиб жойлашган[1. Б.115]. Бу вақтда Туркистон ўлкаси империя бошқарувида бўлгани боис, келган қочоқларни жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлашга мажбур бўлган. 1917 йилда Россия империяси қулагач, ҳокимиятни совет большевиклари эгаллаган бўлиб, Туркистон ўлкасида ҳам бу жараён давом этган. Большевиклар ҳукумати 1921 йилда Волгабўй ва Уралолди худудларида ҳосилсизлик рўй бергани туфайли, оч қолган аҳоли вакиллари ни Туркистонга эвакуация килган. Бироқ, уюшган ҳолда эвакуация қилингандардан ташқари, улар орасида уюшмаган ҳолда қочоқ тариқасида келган аҳоли вакиллари ҳам бўлган. Масалан, 1922 йил апрелда Қозон ва Воронеж губернияларидан Туркистонга оч-қочоқлар келган[2. Б.98]. Туркистон худудининг оч-қочоқларни кабул қилишга тайёр эмаслиги ҳамда уларни жойлаштириш қийинчиликлари Туркистон ҳукумати ва маҳаллий аҳолиси учун муаммо туғдирган. Ҳусусан, мустамлакачи ҳукумат келган оч-қочоқларни бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш мажбуриятини ўлкага юклаган эди.

1918 йил ноябрда Биринчи жаҳон уруши бутунлай тугаган. Натижада давлатлар ўртасида тинчлик шартномалари имзоланиб, ҳарбий асир ва қочоқларни ватанига қайтариш жараёни бошланган. Бу вақтда совет ҳукумати РСФСР таркибидаги барча республикаларда, ҳусусан, Туркистон АССРда ҳам уруш туфайли келиб қолган асиirlар ва қочоқларни ўз юртига қайта-риш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун маҳсус кенгаш ташкил этган. Яъни, РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг 1918 йил 23 апрелдаги маҳсус декретига асосан, Россия ҳарбий ишлари бўйича ҳалқ комиссарлиги қошида “Асиirlар ва қочоқлар билан шуғулланувчи Марказий коллегия” ташкил этилган[3. Б.107]. Ушбу Марказий коллегия Совет Россияси худудига келтирилган ҳарбий асиirlар ва қочоқ тариқасида келган аҳоли вакилларини ўз юртига реэвакуация қилиш ишларини амалга оширган. Туркистонда ҳам ушбу коллегия бўлимлари ташкил этилиб, ўлкадаги асир ва қочоқларни реэвакуация қилиш ишларини бажарган.

1920 йил январь ойидан бошлаб асиirlар ва қочоқлар билан шуғулланувчи Марказий бошқарув РСФСР Ички ишлар ҳалқ комиссарлиги Марказий эвакуация бўлимига айлантирилган[3. Б.108]. Марказий эвакуация бўлими фаолиятига асосан учта йўналиш;

-Тинчлик битимларини, асиirlар ва қочоқларнинг реэвакуацияси ҳақидаги ҳалқаро битимларни амалга ошириш;

-Ижтимоий муаммолар кучайиб кетиши билан боғлиқ бўлган ички миграция жараёnlарини бошқариш;

-Қочоқларини ўз ватанига қайтариш жараёнини ташкиллаштириш кирган.

Ички ишлар ҳалқ комиссарлининг 1920 йил 20 февралдаги қарорига кўра, Марказий эвакуация бўлими РСФСР Ички ишлар ҳалқ комиссарлигини аҳолини эвакуация қилиш бўйича Марказий бошқармасига айлантирилган. 1920 йил 20 марта марказий эвакуация бўлими-нинг маҳаллий органлари ҳақидаги Низомига кўра, РСФСР Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги марказий эвакуация бўлимининг кичик идоралари сақланган ҳолда тегишли ижро қўмитаси бўлимлари қошида губерния ва уезд эвакуация бошқарувини ташкиллаштириш тартиби тасдиқланган. Туркистонда ҳам асир ва қочоқларни реэвакуация қилиш бўйича бошқармалар ташкил этилган.

1920 йил ёзида Болтиқбўй ва Россия давлатлари ўртасида қочоқларни реэвакуация қилиш тўғрисида шартномалар тузилган[4. Б.198]. 1920 йил июль ойида қочоқларни режалаштирилган ҳолатда жўнатиш бўйича кўрсатма Туркистон ўлка раҳбариятига жўнатилган, унга кўра, Марказий эвакуация бошқармаси руҳсатисиз ҳеч қайси қочоқ ёки асир жўнатилмаслиги белгилаб қўйилган. Қолаверса, чет эллик қочоқларни ватанига жўнатиш учун навбат ўрнатилиши ва ишчилар, хизматчиilar, кексалар, болалар ва ногиронлар ҳам эшлонга рўйхат билан юборилиши кераклиги қайд этилган[5. Б.48]. Қочоқлар рўйхатида вилоят фавқулодда қўмитаси руҳсатномаси бўлиши талаб қилинган. Ана шундай талаблар асосида Туркистон ўлкасидан 1920 йил охирига келиб, Марказий эвакуация бошқармаси руҳсати билан Болтиқбўй давлатларида тегишли 1500 нафар қочоқ реэвакуация қилинган[6. Б.51]. Марказнинг топшириғига кўра, иктисадий қийинчилик ва очарчилик гирдобида қолган Туркистон ҳукумати раҳбарияти қочоқларни реэвакуацияси жараёнида ватанларигача етиб бориши учун ўлка маблағлари хисобидан озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармонлар ажратиш ишларини амалга оширган.

1921 йилда Россиянинг кўплаб губернияларида очарчилик жараёнини бошланиши ва совет ҳукуматининг очарчилик оқибатларини бартараф этиш ишларига эътибор қаратиши туфайли қочоқларни реэвакуацияси тўхтаб қолган. Бу вақтда Туркистон ўлкасига Волгабўй ва Уралолди худудларидан очлар оқими келиши бошланган эди. Бироқ, 1921 йил охири ва 1922 йил бошларида Туркистонда ҳам очарчиликнинг бошланиб кетиши ўлкада озиқ-овқат муаммоларни кетлириб чиқарган. Натижада, 1922 йил баҳорида Туркистон МИҚ ва ХКС, Туркистон компартияси раҳбарияти ўлкадаги озиқ-овқат етишмовчилиги муаммолари тўғрисида РКП(б) Марказий қўмита раҳбариятига бир неча бор мурожаат килган. Ушбу мурожаатлар бандида Туркистон ўлкасида очарчиликни бартараф этиш учун РСФСР Очларга ёрдам марказий комиссияси то-

монидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарурлиги, ўлканинг очарчиликка учраган худудлари ахолисига озиқ-овқат таъминотида ёрдам бериш кераклиги, қурғоқчиликка юз тутган қишлоқ хўжалигини тиклаш учун маблағлар ажратиш, қолаверса, ўлкага келган қочоқларни тез фурсатда ўз юртларига реэвакуация қилиш кўрсатмасини бериш зуурлиги қайд этилган[7. Б.81].

Бироқ, большевикларнинг Туркистонда ўрнатилган бошқаруви туфайли, ўлка раҳбарияти ва маҳаллий ахоли очарчилик худудларидан эвакуация қилинган ва қочоқ тариқасида келган ахоли вакилларини боқишига мажбур бўлган. Бу даврда Туркистоннинг иқтисодий аҳволи ёмонлашиши ва очарчилик асоратларининг кенгайиб бориши вазиятни борган сари оғирлашишига сабаб бўлган. Бундай вазиятда ўлка раҳбарияти Туркистондаги очарчиликни бартараф этиш учун кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқсан. Хусусан, Волгабўйи ва Уралолди худудларида очарчилик рўй вақтда келган қочоқларни ўз юртига қайтариш, яъни реэвакуация қилиш масаласи ҳам ана шу чора-тадбирлар каторига киритилган эди. Чунки республика иқтисодий аҳволи ноҷорланиши ортидан, ўлка раҳбарияти уз ахолиси тугул, қочоқ тариқасида келганларни ҳам боқишида қийинчилик ва муаммоларга дуч кела бошлаган. Шунинг учун Туркистон МИҚ ва ХКС раҳбарияти ўлканинг оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолаётганини ва очларни озиқ-овқат билан таъминлашдаги қийинчиликларни ҳисобга олиб, Марказий эвакуация раҳбариятига қочоқларни ўз юртларига реэвакуация қилишни зарурлигини уқтирган[8. Б.63]. Туркистондаги қийинчилик ва очарчилик асоратлари Польша, Болтиқбўйи ва Россиядан келган қочоқларни ўлгадан тез фурсатларда ўз юртларига реэвакуация қилиниши кераклигини кўрсатган.

1922 йил август ойидан Туркистонга чет давлатлардан келган қочоқларни уюшган ҳолда, расман ўз юртига реэвакуация қилиш бошланган. 1922 йил 12 августдан эътиборан чет эл давлатлари худудларидан келган қочоқларни ўлгадан реэвакуация қилиш билан Туркистон эвакуация бош бошқармаси шуғулланган[9. Б.2]. Бу бошқарма Болтиқбўйи ва Россия худудларидан келган қочоқларни тезроқ ва кўпроқ ўз юртларига қайтариш ишларини амалга оширган. Аммо илмий адабиётлар ва архив ҳужжатларини ўрганиш натижасида шуни айтиш мумкинки, Туркистонга келган қочоқларни реэвакуация килиш жараёни кўплаб қийинчиликларни енгиш орқали амалга оширилган. Бунга қуйидаги муаммолар сабаб бўлган. Биринчидан, Туркистондан ўз юртига реэвакуация қилинаётганларни ўз юртида қабул қилиш ва боқищ имкониятини ўқлиги, чунки бу худудларда ҳамон очарчилик давом этаётгани ва қишлоқ хўжалиги тўлатуқис изга тушмаганида эди. Иккинчидан, қочоқ тариқасида келган очлар ва қочоқларнинг айримлари Туркистондан реэвакуация қилинишини хоҳламаганлиги, чунки улар уруш туфайли ўз юртида яқинларидан ажралган, уй-жойи ва хўжалигини йуқотган эди. Учинчидан, Марказ топшириғига кўра, Туркистондан реэвакуация қилинаётганларни яшаш жойига етиб боргунига қадар озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш маҳаллий ҳокимиятга юклатилган, бироқ ўлка бюджетида етарли маблағ йўқ эди.

Туркистон МИҚ ва ХКС раҳбарияти реэвакуация қилинаётган қочоқлар учун имконият даражасида шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилган. Реэвакуация қилинаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланган. Бунинг учун Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг вилоятлардаги бўлимлари ҳамда ўлка озиқ-овқат ҳалқ комиссарлиги бор имкониятларини ишга солган. Масалан, 1922 йил сентябрда очарчилик натижасида Туркистонга келиб қолган 2382 нафар оч-қочоқлар Самарқанд вилоятидан ўз юртига, яъни Волгабўйи худудига реэвакуация қилинган. Реэвакуация муносабати билан ўз юртига кетаётганлар Самарқанд вилояти очларга ёрдам комиссияси томонидан Тошкентга етиб олгунича 1 фунтдан нон билан таъминланган[10. Б.1]. Шу билан бирга, кетаётган очларга 6000 рубль маблағ ҳам берилган. Туркистон озиқ-овқат ҳалқ комиссарлиги томонидан берилган кўрсатмага муофик, Россиядан келган ҳар бир киши ўз юртига қайтишида 5 пуддан ортмаган ғалла ҳамда ҳар бир оила ўз юртида экиш учун 30 пудгача уруғлик ва емиш учун етарли тарзда ун билан таъминлашига рұксат берилган[11. Б.17].

Туркистон раҳбарияти очлар ва қочоқлар реэвакуациясини тезлаштириш учун кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ҳаракатида бўлган. Чунки реэвакуация билан боғлик муаммоларни ҳал этиш орқали ўлка раҳбарияти маҳаллий ахолини очарчилик зулмидан қутқаришга ҳаракат қилган. Ўлгадан Болтиқбўйи ва Россия худудларидан келган қочоқларни ўз юртига реэвакуация қилиш жуда катта кийинчиликлар билан бажарилган ҳамда ўлкада юз берган очарчилик маҳаллий ҳалқни ўз домига тортаётган эди. Бундай қийинчиликларга қарамасдан, 1922 йил сентябр ойида Туркистондан Волгабўйи ва Уралолди худудларига 30-40 минг нафар оч-қочоқлар реэвакуацияси амалга оширилган[12. Б.453]. Масалан, 1922 йил октябрда ҳам ўлкада истиқомат қилаётган 155 нафар очлар Оренбург губерниясига реэвакуация қилинган[2. Б.121]. Реэвакуация тариқасида ўз юртига кетаётганлар Туркистон ўлкаси хукумати ва ахолиси томонидан озиқ-овқат, кийим-кечак ва дори-дармонлар билан таъминланган. Бироқ, Марказ томонидан Туркистондан очлар ва оч-қочоқлар реэвакуацияси секинлик билан амалга оширилган. Туркбошэвак 1922-1923 йилларда Туркистон ва Бухоро республикаларида истиқомат қилаётган чет эллик қочоқларни реэвакуация килиш билан шуғулланган. 1924 йилдан эса Туркистон қишлоқ хўжалиги қўмитаси ўлкадаги оч-қочоқларни ўз юртига, яъни Волгабўйи ва Уралолди худудларига реэвакуация қилиш ишларини зиммасига олган. Ўрганилган архив манбалари

орқали шуни айтиш керакки, ушбу қўмита ташаббуси билан 1924 йил апрелда Волгабўйидан келган 53 нафар оч-қочоқлар ўз ватанларига реэвакуация қилинган[13. Б.5].

Россиянинг очарчилик рўй берган худудларидан келган оч-қочоқларни уюшган ҳолда ўлкадан реэвакуация килиниши жараёнида маблағлар топиш маълум қийинчиликларни туғдирган. Марказ томонидан қочоқлар реэвакуацияси учун пул топиш ва ажратиш масаласи ўлка раҳбарияти зиммасига юклатилган. Туркистон ҳукумати раҳбарияти эса турли тадбирларни ташкиллаштириб, маҳаллий ҳалқ орқали пул маблағларини йиқкан. Масалан, 1924 йил 31 майда Туркистон МИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига қўмак қўмитаси масъул котиби Тошкент Янги шахри ижроия қўмитасига мурожаат қилиб, “5 июнь куни шаҳар боғида оч-қочоқлар ва қаровсиз болаларни реэвакуация қилиш билан боғлиқ маблағни топиш учун “Ҳалқ сайли” уюштириш”га руҳсат сўраганлиги архив манбаларида қайд этилган[14. Б.20]. Бундан кўринадики, ана шундай тадбирлар уюштириш орқасидан керакли маблағлар топилган ва реэвакуация ишларига сарфланган. Мана шундай тўпланган маблағлар ҳисобидан, 1924 йил июль ойида ўз юртига реэвакуация килинаётган 534 нафар қочоқлар кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқалар билан таъминланган ҳолда жўнатилган[15. Б.54].

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1924 йил июль ойидан ўлкадаги қочоқларни ўз ватанларига реэвакуация қилиш тўхтатилган эди. Чунки ўлкага Волгабўй ва Уралолди худудларидан келаётганлар оқими ҳамон давом этарди. Марказ ушбу худудлардаги очарчиликка тўла барҳам бера олмаганлиги туфайли қочоқлар оқими Туркистонга келиши тўхтамаганди. Буни куйидаги мисол орқали айтиш мумкин, 1924 йил 4 ноябрда Туркистон ижтимоий таъминот ҳалқ комиссарлиги Туркистон МИҚ раиси Айтаковга қўлган мурожаатида, “ўлкага очарчилик туфайли келиб қолган оч-қочоқларни озиқ-овқат билан таъминлаш борасида катта қийинчиликлар юзага келаётганлиги, уларни вилоятдаги шаҳарлар ва уездларга тақсимланаётганлиги, аммо уларнинг кўпчилиги барибир Тошкентга йигилганига эътибор қаратиб, ҳозирги кунда уларнинг сони 1000 дан ортиқ ва улардан 500 га яқини аёллар ва болаларни ташкил қиласи” дейилган[2. Б.129].

Хулоса тариқасида шуни айтиш лозимки, Туркистон ҳукумати ва ҳалқи Биринчи жаҳон уруши даврида Польша ва Болтиқбўй давлатларидан ҳамда Россиянинг очарчилик худудларидан келган қочоқларга меҳр-муруват кўрсатиб озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошпана беради. Туркистон раҳбарияти очарчилик қийинчиликларига қарамасдан, имконият даражасида, барча чора-тадбирларни амалга оширган, ўз саҳоватларини аямаган ҳалқимиз эса ўзига хос бағрикенглик намуналарини кўрсатган. Шунинг учун эвакуация тариқасида келган қочоқларнинг баъзилари Туркистондан реэвакуация қилинишини хоҳламайди. Чунки улар Туркистон ҳалқининг меҳмондўстлиги, меҳрибонлиги, болажонлиги ва ўз ризқини очлар билан баҳам кўрганлиги гувоҳи бўлган ҳамда ўлка ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишган эди. Қолаверса, ўзлари очарчилик гирдобида бўлган ҳалқимиз инсонпарварварлик хислатларини намоён қилиб, реэвакуация тариқасида ўз юртига кетаётган қочоқларга озиқ-овқат, кийим кечак, дори-дармон ва бошқа таъминотларда ёрдам беришган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому октябрю (1914 – октябрь 1917 г.). Ташкент.; “ФАН”, 1977. Стр.115

Расулов А. Туркистон ҳалқи бағрикенглиги. Тошкент.; «Yangi nashr », 2011. –Б.134

Галас Марина Леонидовна. Государственно-институциональная и социальная адаптация репатриантов и реэвакуиремых беженцев в России в 1920-е гг. // Власть. «Отечественный опыт» журнал. 2011, № 4. Стр.107-118

Михайлова Ю.Л. Советско-латвийский договор 11 августа 1920 г.: законодательное регулирование и практика обмена беженцами и оптации.//Петербургский исторический журнал. 2021, № 4. Стр. 167-192

Белова И.Б. Беженцы Первой мировой войны: реэвакуация из Советской России (по материалам Центральных губерний Европейской России). //“EUROPA ORIENTALIS”// Studia z dziejów Europy Wschodniej i Państw Bałtyckich” journal. 2017, № 8. 47-64

ЎзР МА, Р-621 фонд, 1-рўйхат, 40-иш, 51-варак

ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 345-иш, 81-варак

ЎзР МА, Р-621 фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 63-варак

Известия (ТуркЦИК), 9 августа 1921 г.

Туркестанская правда (Ташкент), 26 сентября 1922 г.

ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 749-иш, 17-варак

ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 350-иш, 453-варак

ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 954-иш, 5-варак

ЎзР МА, Р-17 фонд, 1-рўйхат, 954-иш, 20-варак

ЎзР МА, Р-621 фонд, 1-рўйхат, 97-иш, 54-варак